

**СИЛ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ПРОСТАТА БЕЗИ ХАВФСИЗ
ГИПЕРПЛАЗИЯСИ СКРИНИНГ-СЎРОВНОМА ВА УРОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТУЗИЛИШINI ПИЛОТ ТАЖРИБАДАН
ЎТКАЗИШ**

S. I. Azimov , F. G. Boltayev

*Бухоро давлат тиббиёт институти, Факултет ва госпитал хирургия,
урология кафедраси*

Сил бўлган беморларда урологик патологияни скрининг текшириш мақсадида тадқиқотнинг биринчи босқичида Бухоро вилояти силга қарши муассасаларида (вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази ҳамда туман соғлиқни сақлаш бўлими) рўйхатда турган беморларда анъанавий сўров ўтказилди.

Текширувнинг иккинчи босқичида худди шу беморларда ишлаб чиқилган урологик сўровнома ўтказилди. Натижага кўра 236 нафар бемордан 155 таси ўзида урологик касаллик симптомлари мавжудлигини маълум қилишган, 181 нафари – инкор этишган .

Беморларни анъанавий сўровнома текширув натижалари ва тадқиқотнинг объектив усули билан аниқланган касаллик белгиларини қиёсий баҳолаш мақсадида иккала текширув натижаларини иккита тоифага бўлдиқ: тасдиқланган ва инкор этилган.

Сўров натижалари (анъанавий ёки УКАС сўровномадан фойдаланиб): урологик касалликларга хос шикоят борлар тасдиқ жавобини белгилашган;

урологик касалликка хос белгилар мавжуд бўлмаганлар инкор жавобини белгилашган.

Текширишнинг объектив усули натижаларига кўра (беморнинг объектив кўриги, УТТ, тест-тасма ёрдамида аниқланган сийдик таҳлили маълумотлари) урологик касалликларнинг умум қабул қилинган белгилари аниқланганда тасдиқ жавобини белгилашган. Объектив тадқиқотнинг натижаларига кўра урологик касалликларнинг аниқ белгилари топилмаганда инкор жавоб белгиланган.

Анъанавий сўровда қуйидаги тест кўрсаткичлари аниқланди: сезувчанлик – 64,0%, ўзига хослик – 93,0%, NPV – 82,0%, PPV – 83,0%, аниқлилик – 82,3%

УКАС фойдаланиб ўтказилган сўров натижалари ва объектив усул билан аниқланган касаллик белгиларини қиёсий баҳолаш мақсадида

иккала тадқиқот маълумотларини икки тоифага бўлдиқ: тасдиқ ва инкор жавоблар.

Урологик саволномадан фойдаланиб ўтказилган сўровда қуйидаги тест кўрсаткичлари аниқланди: сезувчанлик – 93,0%, ўзига хослик – 92,0%, NPV – 96,0%, PPV – 87,0%, аниқлилик – 92,6%,

Урологик касалликлар симтомларини аниқлашда анъанавий сўров усули ва урологик саволномадан фойдаланиб ўтказилган сўровноманинг диагностика имкониятларини қиёсий баҳолаш мақсадида иккита турли сўровларнинг сезувчанлик, ўзига хослик ва аниқлилик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилдик.

Ўрганилаётган сўров усулларини диагностика самарадорлигини қиёсий баҳолаш натижалари иккала сўров усули ҳам етарли даражада сезувчанлигини, шунингдек, энг кўп тарқалган урологик касалликларни самарали ташхислаш усули юқори даражада ўзига хосликка ҳам эгаллигини кўрсатди .

Хулоса. Шундай қилиб, урологик скрининг-саволноманинг пилот тажрибасида иккита ҳар хил сўров усулларининг (анъанавий усул ва урологик саволномадан фойдаланиб ўтказилган сўров) сезувчанлиги, ўзига хослиги ва аниқлиги етарлича юқори бўлган, бу эса уларнинг рақам кўрсаткичлари яқинлигини кўрсатади.

Пилот синов ва силнинг турли шакллари мавжуд 236 нафар бемор текшируви 88 нафар беморда простата беги хавфсиз гиперплазиясини аниқлаш имконини берди ва текширилган беморларнинг Аниқланган урологик патология тузилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 88 та беморда простата безининг хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) кузатилган.

Сил бўлган беморларда простата безининг хавфсиз гиперплазиясининг 236 нафар бемордан 88 тасида аниқланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Aminev H. K., Sharipov R. A., Azamatova M. M., Aminev E. Kh., Davydova N. A. Tuberculosis and related diseases / Information letter for UFA doctors, 2017 - 20 p.

2. Isroilovich A. E. et al. The Role and Importance of Glioh Neurotrophical Factors in Early Diagnosis of Parkinson Disease //Texas Journal of Medical Science. – 2022. – Т. 5. – С. 1-6.

3. Abdukodirov E. I., Khalimova K. M., Matmurodov R. J. Hereditary-Genealogical Features of Parkinson's Disease and Their Early Detection of the Disease //International Journal of Health Sciences. – №. I. – С. 4138-4144.

4. Azimov S.I. The Effectiveness of the Universal Urological Questionnaire in the Screening of Urological Pathology in Patients with Tuberculosis // International Engineering journal for research and development (IEJRD) Vol.5, Special Issue 9 (2020) №:-2349-0721 pp. 1-3.
5. Azimov S. I., Rashidov Z. R. The Role of the Universal Urological Questionnaire in the Screening of Urological Pathology in Patients with Tuberculosis // American Journal of Medicine and Medical Sciences, 2020 10(10), pp. 769-772
6. Azimov S.I., Gulamov M.X., Karimov B.S. Kompleksnoe patogeneticheskoe treatment of patients with diabetes mellitus, complicated by erectile dysfunction // Vestnik nauki I obrazovaniya, 2020. No 23-2 (101)
7. Tilavov, T. B. (2022). Sexual Dysfunction of Men in Bukhara Region. INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES, 1(5), 19-22.
8. ТИЛАВОВ, Т. Б. (2021). ЭРЕКТИЛЬНАЯ ДИСФУНКЦИЯ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 1 ТИПА: МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ.// НАУКА И ИННОВАЦИИ - СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ сборник научных статей по итогам работы //Международного научного форума. Москва, 2021
9. The Value of TIGRALIS 5 in the Treatment of Patients with Diabetes Mellitus Complicated by Erectile Dysfunction //A.S Ilkhovich, T.T Bakhtiyorovich - Research Journal of Trauma and Disability Studies, 2022